

УДК: 821.512.133

ТОҒАЙ МУРОДНИНГ “МОМО ЕР” (“ҚЎШИҚ”) ҚИССАСИДА МАНҚУРТ ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ

Ҳ.Мирҳайдаров

Гулистон давлат университети

E-mail: h-mirhaydarov@inbox.uz

Шарқ илм-маърифат ва маданиятнинг олтин бешиги эканлиги жаҳон тарихида устувор тарзда эътироф этилган. Сонлар рақами, Ернинг юмалоқ шакли ва Қуёш атрофида айланиши, осмон жисмларининг ҳаракати ва жойлашиш, тартиби, дарё ва денгиз сувини ўлчаш (нилометр сув ўлчаш асбоби-Ҳ.М.) Шарқда кашф қилинган. Шу билан бирга, Шарқ одоб-ахлоқ ва маънавиятнинг “отаси”, ҳозирда ҳам шундай мавқеда туради. Шарқдан андоза ва ибрат олган Европа унинг бешигида уйғонган ва бироқ техника ва технология ҳамда коммуникация борасида мисли қўрилмаган даражада тараккий қилди, тан олинган аксиомадир. Лекин халқ асли, жамиятнинг гуллаб-яшнаши фақат техник ўсиш билан белгиланмайди, агар шундай бўлса, ўниб-ўсиш бир томонлама бўлиб қолар, аниқроғи, ижтимоий ҳаётда мувозанат мутлақо бузилган бўлар эди.

Ер юзида неча юз минглаб халқ, эл-элат ва этнографик бўлинмалар яшайди. Халқ бўшлиқда пайдо бўлган жамоа эмас, у ўз замини, асли, тарих қазрига бориб тақалувчи урф-одати ва қадриятлари билан халқ. Бу қадр қиммат ва қадрият қадимданок эътиборда бўлган ва уни сақлаш ҳамда такомилга эриштиришга доимо саъй-ҳаракат қилинган Хитой донишманди Конфуций бу борада таълимот даражадаги фикр айтиб қўйган: “Қадимдан жорий этилган маросимлар сақланмас ёки улар бекор

қилинар экан, унда ҳамма нарса аралашиб кетади, издан чиқади. Никоҳ маросимини йўқ қилинг-чи, унда эр-хотинлик бўлмайди, бу билан боғлиқ катта-катта жиноятларга йўл очилади ёки дафн этиш ва қурбонлик қилиш маросимини йўқ қилинг-чи, унда болалар вафот этган ота-оналар хотирасини ўйламай, тирикларига эса хизмат қилмай қўядилар!” (Жўраев, Сайиджонов, 1999).

Сир эмас, XX асрнинг сўнгги чорагида Шўро мафкураси маҳаллий халқнинг урф-одати, қадрияти, ўзига хос фазилатларига беписандона қараб, уларни бир миллат, ягона халққа айлантиришга зўр бериб, тизимга киритмоқчи бўлди. Биз унга инондек, келажак тақдиримиз яхлит миллат даражасида бўлар экан, деган ақидага бўйсиндик. Халқ доно, донишманд, ўз аслияти, тағзаминини яхши билади, ундан узилолмайди. Ҳайрият, аслиятимиз ва ўзлигимизнинг қадриятлари кадр-қиммат топди. Ўзлиги ва ўзига хос миллат эканимизни қайта намоён қила олдик, тўғрироғи, халқимизнинг асрлардан буён шаклланиб, товланиб, мукаммаллашиб келган қадриятимиз бизнинг қимлигимизни, аниқроғи, ўзлигимизни дунёга танитди. Шу кунларда ўзбекона урф-одатлар ва расм-русмлар, қадриятларни жаҳонҳамжамияти тан олиб, ҳавас қилса арзирлиги борасида бот-бот гапирмоқдалар (“Юксак маънавият- енгилмас куч”).

Шунга қарамай, ҳаётда ягона ғоянинг ўзи ҳукмрон ҳолда яшамайди. Атрофида бошқа ғоялар ҳам яшайди, у ягона ғояга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилади. Бу ҳаёт қонунидир. Шундайлардан бири Европада кенг тарқалган, халқнинг онги ва руҳига чуқур сингиб улгурган “оммавий маданият” муаммосидир. Бу ғоя, энг аввало, адабиёт ва санъатда илдиз отди, сўнг жамиятнинг негизига кириб борди. Ундан сақланиш, ёқимсиз “вирус” эканини адабиёт, оммавий, ботик қора рангда ахборотларда унга қарши тинмай ошқора зид фикрлар билдирмоқда.

Тадқиқотнинг объекти ва қўлланилган методлар

Адибу шоирларимиз бу борада забардаст асарларини халққа тақдим қилиб, маънавий “вабо”нинг олдини олиш чорасини кўришга саъй-ҳаракат қилмоқдалар, айтиш жоизки, бу миллат ва умиуминсоний мафкуранинг долзарб масаласидир. Умуматама билан айтганда, “замонавий глобал” муаммодир. Худди шу муаммога бағишланган таниқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг “Момо-Ер” (“Кўшиқ”) қиссасидир. Унда она заминдан оёғи узилиб қолган, Европа модернизмининг қашшоқ, яланғоч ғояларига берилган, ўзини Паҳлавон Даҳо ҳисобловчи ижодкор образини таҳлил қилиш тадқиқотнинг объекти қилиб олинди. Таҳлил натижасида Паҳлавон Даҳо манкурт эканлиги атрофлича таҳлил қилинди. Тадқиқотда матн **таҳлили ва қиёсий методдан** кенг қамровда фойдаланилди. Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили ёзувчи ижоди билан боғлиқ материаллар учун муҳим асос бўлиши мумкин.

Қисса ҳақида Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад, адиблар Одил Ёкубов, Пиримқул Қодировлар бетақдор, ўз сўзи ва овози билан ёзилган оҳорий қисса, деб баҳо беришган. Шунингдек қисса ҳақида адабиётшунос Ҳакимжон Каримов “Наср бахшиси”, жамоа томонидан “Мен қайтиб келаман” каби илмий рисола ва тўпламлар яратилган. Биз ушбу мақоламизда мазкур қиссада ифодаланган миллий ва умиуминсоний қадриятлардан узилиб қолган, боши берк кўча яъни Европа “оммавий маданият” ғоясига муккасидек кетган манкурт инсон тақдири таҳлил қилинди (Каримов, 2003).

Қиссада миллий ва умиуминсоний ғоялардан узилган, Европанинг ғоявий бўш, мавҳум адабиёти ва санъатига эргашиб кетган инсон типи **қиёсан бадний** ифодаланади. Сержант Орзукулов миллий ўзлигида муҳим бўлиб, ўзбекона миллий урф одат, миллий менталитетини ўзида намоён қилган юксак одамийлик ва қадриятни ўзида мужассам этган инсон. Тўғри, у армиядан келган кунлари хизматда юрган вақтида чала-чулпа ўрганган рус тилида гапирди:

-**Мамаша, где эта, как да-да, где папаша?** дея онасига мурожаат қилади. Русчани онда-сонда тушунадиган жувозкаш тилмоч бўлади:

-**Отасини сўраяпти шекилли, хола!**” Ким ва қайси қариндош-уруғи келса, русча мурожаат қилади, ҳатто отасига ҳам шу йўсинда муомалада бўлади. Ота ўғлим, ўз тилинда гапир, дея тартибга чақиради, бўлмайди, охир-оқибат **“Улим, эрта биров айтган экан, отангни кўрдим- аҳмади фориг энангни кўрдим товони ёриғ”**деб. Барибир отага қараб: **“Ну, даёшь, папаша, даёшь”** дея русча гапиришини қўймайди. Ота- эл-юртдан уялганидан ўғлига **“у деди”**, бўлмади, **“бу деди”** бўлмади, қамчини олиб, аскар ўғлига қараб интилди. Шунда ўғли: **“Вой, онажон, ўлдим”** деб ошхона сари югуради. Она орага қўшилиб, **“қобил бола бўлади”** дея уни ҳимоя қилди. Сурбетлиги билан ўзини русча тарбияланган қилиб кўрсатган аскар бола юввошиб, ўз ота-онасининг измига, урф-одатига қайта киради. У отанинг сўзини икки қилмади, заранг таёқ олиб халқнинг подасини бокди. Дала-даштларда югуриб, она диёрга ўрганиб, отасининг дўқ-пўписаси туфайли оёғи заминни босди, энди у дала-даштларсиз яшай олмайди. Шу-шу унда ота-боболар киндик қони томган заминга, уларнинг экин-тикин

қилган даштлари, хирмон кўтарган қирлари қадрдон бўлиб қолади. Қариндош-уруғларга ҳам меҳр қўяди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Халқ орасида “сержант Орзукулов” номи билан юрган қаҳрамонимиз жангга ихтиёрий равишда кетди. Урушда жасорат кўрсатди, Ватан ҳимоясига жонини фидо қилиб, медаль ва орденлар билан тақдирланди. Урушдан қайтгач, жамоа раиси уни бригадирликка тайинламоқчи бўлди. У яна ўзининг эски касби-подачи бўлишни сўради. Эл қатори яшади. Бирин-кетин фарзанд кўрди, афсуски, уларни тупроққа топширди. Оқибат ўғил кўрди, уни урф-одат ва иримга кўра, турсин, узоқ яшасин маъносида Турсунбой қўйди. Бу образ ҳақида Саид Аҳмад “қиссада оригинал образ бор, бадиий баккуват образ бор. Мен сержант Орзукулов образини назарда тутаман” деган эди (Каримов, 2003).

Қиссада халқ удуми, урф-одати, энг яхши анъаналари, қисқаси, оёғи она заминдан узилмаган, миллий қадриятларга бой сержант Орзукуловнинг бетакрор типи яратилган. Ана шундай, ўзлигини йўқотмаган, халқ рухидан ажралмаган, эл-юртнинг файзи-баракати билан ўсган ва яшаётган, соддадил инсондан кибру ҳаволи, худбин, қишлоқ ҳаёти ва нафасидан тамомила узилган Турсунбой туғилгани ажабланарли. Бир палакдан турли хил қовун униши шу бўлса керак. Тўғри, унинг болалиги халқ болалари қатори бўлиб, мактабни яхши битирди. Ота ҳузурида қобил болалигини кўрсатди. Кўлидан китоб тушмади, шеърлар машқ қилди, битта-иккитаси туман газетасида чиқди ҳам. Ҳар ҳолда бу ишлари билан ота-онасига обрў келтирди. Тошкентда ўқишга кирди. Шаҳар мухитини кўриб замонавийлаша бошлади. Шоирликни ҳавас қилди ва бунга интилди. У ботинан ва зоҳиран буюк шоир бўлишни истади. Шеърларининг маъно-мазмуни ва салмоғи билан эмас, балки ташқи қиёфада буюк бўлишни ихтиёр қилди. Ташқи қиёфага эътиборни кучли қаратди. Сочлари қулоғини босган буюк шоирларга ўзини ўхшатди, бу камлик қилди. Сокол қўйди, трубкада сигарета чекди. Боис оддий халқдан Турсунбой мутлақо фарқ қилиши керак. Бунинг яна бир сабаби исми оддий кишиларники, тўпори, ирим-сирим қилиб қўйилган исм, бўлмайдисми шоирона жаранглаб туриши шарт. Классик шоирларга ҳос таҳаллус танлади, яъни исми-Паҳлавон Даҳо бўлди. Бу исм тарихдан олинди: Муҳаммад Паҳлавон, Маҳмуд Паҳлавон каби мумтозларнинг исмларидан иқтибос олди.

Юксак истеъдод соҳиблари образнинг ташқи қиёфасидаги туб манфий ўзгаришларни ички-маънавий оламига олиб қиради. Устоз Абдулла Қаҳҳорда бу теран услуб даражасидадир. Адиб “Тўйда аза” ҳикоясида маҳалланинг отахони ўзига ярашиб тушган соқолини “мулланинг соқоли” деб таърифлайди. Ана шундай салмоқ-салоҳиятга эга домла соқолини олидради, чаманда гул дўппи кияди. Улуғ маънавиятдан қуйи туша бошлайди, у уйланмоқчи. Уйланмоқчи бўлажак хотини қип-қизил кийимда, гўё хўроз қанд кўринишида эди. Домла ярашмаган қилиқлари билан баланд мартаба, улуғликдан тап этиб ерга тушади, сўнгги ҳаёти ўлим билан тугайди. Худди шунингдек Тоғай Мурод ҳам Паҳлавон Даҳонинг ташқи қиёфасини классикларга тенглаштириб тасвирлайди. Ташқи қиёфадаги даҳолик маънавий дунёсига ҳам кириб боради. Ўзи ёқтирган қизга шунчаки уйланади, институтни битирганча “ким бору, ким йўқ” деб ўйлайди, фарзандлар кўради. Ота-онаси болаларидан узоқлашиб, улар Даҳодан, даҳо улардан бегоналашиб боради. Бу хотини ва фарзандларига эътиборсизлиги ва уларга нисбатан лоқайд ҳамда масъулиятсизлик туфайли содир бўлган. Айниқса, ўзи ва хотини ўртасидаги муносабатда “хитой деворини” кўради. Ўзи даҳолашиб, кўримлашиб боради. Хотини эса пахмоқ соч, бўйни кир, оғзи сассик, қулоқ тешиклари яра. Узоқ вақт қишлоққа хотини олдига келмай қўяди. Муштипар хотин эрини хат орқали даъват қилади, ҳатто хатга кенжасининг кўз ёшини томдириб ҳам қўяди. Бунни кўргач, Даҳо мийиғида кулиб:

“ О, худди китобдагидай. О, худди китобдагидай. Эҳ овсар Шарқ, тўпори Шарқ, соддадил шарқ!”, дея наинки хотини, балки Шарқнинг устидан кулади. Бу билан Даҳо гўё ўзини юксак мишбар ва мартабада туриб фикрлаётгандай ҳис қилади. Айбни ўзидан қидирмайди Шарқона “маданиятсиз”ликдан ахтаради.

Жияни Даҳонинг оиласини шаҳардаги ишхонасига етаклаб боради. Ишхона деразасидан хотини ва болаларини кўриб, орқа эшикдан қочиб, квартирасига бориб, эшик-тешигини беркитиб ётиб олади. Жияни квартирасини топиб, кириб боради. Оиласини олиб келганини айтганда:

-Ну и что? деб жавоб беради.

Жияни: **қора кўзларнинг ёши ёмон, қора хотиннинг охи ёмон,** деганда:

-Ну и что? дея ўзини билмасликка олди.

Жиянининг кўнгли бузилди, кўзидан ёш тирқираб оқди икки юзини юваётган ёшларини артиб, чиқиб кетди. Тоға ақалли сесканмади ҳам, унда юрак музқотган, бошқача айтганда тошқотган.

Тоғай Мурод қиссада асл одам, қиёфасини шу билан бирга, ўзини Даҳолик ёрлиғи билан мезонлайдиган, образларини яратди. Асл одам қиёфасидаги образ сержант Орзукулов Даҳонинг отаси, даҳоликни ўзига сунъий ёрлик қилиб олган қиёфа Пахлавон Даҳодир. Рамз тили билан айтганда, сержант Орзукулов кундуз - ёруғлик, Даҳо эса тун-қоронғулик, сержант Орзукулов - оқ кўнгил, Даҳо қора кўнгил сержант Орзукулов бағри кенг, қадриятли одам, Даҳо ғаразғўй, ичимдан топ одам. Даҳонинг иши юришмайди, у ердан урилиб, бу ердан сурилиб, кўним топмайди. Бирда гурух дўстлари билан кишлокқа чиқишади.

Даҳо сержант Орзукуловни кўрсатиб:

-**Бу киши бизнинг пахан бўладилар,- деди.**

- **Тағин уй хўжаси келганимизни ёмон кўриб, бошқа уйга кириб ётиб олди демасин, меҳмон отангдай улуғ,-**дея сержант Орзукулов меҳмонлар хузурига кириб борди.

Отанинг калиш урмиш товони, калиш қорайтирмиш товони ёриқ бўлди. Қонталаш ёриқ ғуж-ғуж чивин бўлди.

-**Фу-у-дея, тупурди Даҳо, ёриқ оёққа қараб.** Даҳо “маданиятсиз” отаси кир-чиридан уялиб,

-**Пахан сизни мамаша чақираяпти,** дея уйдан чиқариб юборади.

Халқда “отанг чўчка бўлса ҳам боғлаб бок” деган асрлардан буён синалган мақол яшаб келади. Ҳатто устоз отангдан улуғ мақоли энди ўзининг асл мазмун-моҳиятини топди. Устоз отангдан улуғ эмас, отангдай улуғ дейишлик билан ўзининг асл маъносига эга бўлди. Ота давреш бўлса ҳам ота, ота девона бўлса ҳам ота, ота маъюб-маслуғ бўлса ҳам ота. Отадан тонилмайди. Бизда оталик ва болалик Конституциямизда белгилаб қўйилган. Бола 18 ёшгача отанинг қарамоғида. 18 ёшдан ўтгандан сўнг бола ота ҳимоясини ўз зиммасига тўлиқ маънода олади. Асл бизнинг миллий менталитетимизда ота кексайган сари ўғил отасига том маънода оталик-раҳнамолик қилади.

Тракторчи жияни ташриф буюрган меҳмонларни табиат томошасига олиб чиқади. Шунда Даҳо зилол булоқ ёнида тўхтади ва булоқ кўзига чоптиради. Ҳалкимизда сувга сийган тентак дейилади. Даҳонинг кимлиги қилмиши билан баҳоланади.

Адиб Даҳонинг қилмишига баҳо бермайди. Қилмиш-қидирмиш деганларидек “доҳиёна” қилиқларини кўрсатиб, намоён қилиб бораверади, унинг рафторига китобхон баҳо беради. Китобхоннинг Даҳога нисбатан муносабати ғазабдан туғёнга, туғёндан исёнга айланади. Заки китобхон Даҳонинг ярамас қилмишларидан ҳазар қилади, баралла ғазаб отига минади. Китобхон қиссани сабрсизлик билан ўқишни давом этади. Зўр бардош билан ўқийди. Даҳонинг яроқсиз хулқидан келиб чиқадиган қилмишларига нисбатан “лаънатлар” ўқийди ва ниҳоят “аттанг” деб юборади. Халқ удуми, халқнинг беғараз хизматини қилувчи, жамоанинг чизигидан чиқмаган, халқ урф-одатларини ўзига бош устига миннат қилиб олган сержант Орзукуловдан шундай зурриёт пайдо бўлиши ғайри табиийдир.

Мухитининг “заха”лари Даҳони мутлақо тескарига бурди. “Оммавий маданият” ўз домига олди. Замонавий модернизм мафкурасида ёзган якам-дукам қораламалари уни ҳовлиқтириб юборади. Бола бошдан деган гап сержант Орзукулов оиласига бакор келмади. Бу яхши оиланинг тизгинидан “оммавий маданият” ва Европа модернизми зарпечакдай ўз домига тортиб олганининг натижасидир.

Жияни Даҳони табиатни кузатишини давом эттириб, тош ёнидаги қуш инидаги полопонни кўрсатади. У полопоннинг оғзига чўп сукди, полопон оғзини юмиб олди. Даҳо чўпни шайлаб турди.

Ниҳоят полопон яна оғзини очиб, “пийи-пийи”, деди Даҳо эпчиллик билан чўп учини полопон оғзига тикиб юборди

-**Хоп, попал,-**деди.

Табиатни севмаган, ардоқламаган ҳимоя қилмаган одам инсонийликдан маҳрумдир. Даҳо йиллаб тараддуд кўриб, тухум қўйиб, полопон очган қушнинг бўлажак оила сулоласини барбод қилди. Полопоннинг онаси кўриб, кузатиб, чириллаб тургандир. Иймонсиз, эътиқодсиз Даҳони ўзининг тилида қарғандир.

Даҳо ўзидан устун голиб одамни кўролмайди, унинг ютуғини яроқсизга чиқаради. У шундай муртад одам.

Даҳо далада ечиб қўйган костюмига қараб юрди, уни кўриб афти буришди.

- **Ух, зверь, ух вахший!,-**деди пичирлади.

- **Жияни нима гаплигини билмай, олдинга ўтиб қаради. Костюм чўнтагидаги ручкага қандайдир қуш, тахминан, турғай.... ўтириб кетибди”.**

Шу деталнинг ўзи Даҳонинг фаолияти, мафкураси, ижод намунаси деб бўлмайдиган асарларига берилган баҳо. Бу баҳони адиб эмас, китобхон беради. Адибга хос бу услубни қайд қилиш адолатдан бўлса керак.

Тоғай Мурод қахрамонларига баҳо бериш йўлидан бормайди. Образларини воқелик ичига олиб киради, аммо шарҳу изохдан ўзини тияди. Шарҳу изоҳи китобхон мутолаасига қолдиради, зукко китобхон бу бадиий-ҳиссий туйғуни ўзида, албатта, индиради.

Даҳо отасининг оғир бетоблигини эшитиб, йўл-йўлакай кишлокқа кетадиган машина билан уйга келади. Даҳо отдан тушса ҳам эгардан тушмайди. У даҳоликни излайди, осмонни кўзлайди. Отаси бостирма устига синчли том куриб қўйган эди. Унинг устига хашак босишган. У норвон орқали ўша хашак устига чиқмоқчи бўлди. Оёғи норвон михига илинди, ҳарчанд қилди тортиб ололмади, бирданига норвонни тепиб юборди. Ерга норвон шарақ этиб тушди. Нима бўлса ҳам баланд хашак устига чиқиб олганидан мамнун эди. Кенг фазога, осмонга қулочини ёйди. Тусатдан уйдан мунгли чинқирик овоз таралди, демак ота ўтган.

Даҳо тушмоқчи бўлиб, оёғини саланглатди. Оёғи тегадиган ер узок, осмон ундан ҳам йироқ. У шу ҳолда баланддан тушолмай аросатда қолди. Унинг оёғи ердан узилган эди. Оёқ ердан узилдими инсон тақдири йўқлик сари йўналтирилган бўлади. Даҳо - ана шундай аросат ва йўқлик орасида қолган тирик манкурт шахс.

Хулоса

2017 йил 15 июнь Тошкент шаҳридаги Маънавият саройида мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев “Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик” мавзусида нутқ сўзлаб, шундай дедилар:

- Биз шу кунгача “ ўз уйингни ўзинг асра!” шиорини ўртага ташлаб келдик. Бугун мен “ Ўз болангни асра!” иборасини кенг жамоатчилик муҳокамасига ташлайман. Президентимизнинг ушбу теран сўзлари халқимиз қалбини энг чуқур нуқтасига етиб борди ва айтиш мумкинки жой олди. Шу маънода бугун биз болаларимизни “оммавий маданият”, ғоясиз модернизмдан сақлайлик. Энг муҳими, Тоғай Муроднинг “Момо Ер” қиссасидаги оёғи ердан мутлақо узилиб қолган, халқ ва унинг урф-одатларидан қўл ювиб қўлтиғига суртган, манкуртлардан сақлайлик. Паҳлавон Даҳо йўлини тутганларнинг аросатдаги ҳаёти фожиавий қисмат билан яқунланади, бу шубҳасиз.

Адабиётлар рўйхати:

Ислом Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: “Маънавият”, 2008. - 173 б.

Ҳакимжон Каримов. Бахшиёна наср.-Т.: “Янги аср авлоди”, 2009. - 95б.

Жамол Мен қайтиб келаман (тўплам,-Т.: “Янги аср авлоди”, 2007. - 277 б.

У.Жўраев, Й.Сайиджонов. Дунё динлари тарихи. Т. “Шарқ”, 1999. - 53-б.

Аннотация

ТОҒАЙ МУРОДНИНГ “МОМО ЕР”(“ҚЎШИҚ”) ҚИССАСИДА МАНКУРТ ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ

Ҳ.Мирхайдаров

Мақолада Европанинг “Оммавий маданият” ва ғоясиз адабиёти ва санъати йўлидан борган, натижада оёғи ердан-заминдан, азалий қадриятлардан узилиб қолган манкурт образи талқин қилинган.

Таянч сўзлар: “Оммавий маданият”, модернизм, нилометр, қадрият, Шўро мафкураси, Паҳлавон Даҳо, маҳалланинг соқоли, чаманда гул дўппи, хўроз-канд, “хитой девори”, манкурт.

Аннотация

АНАЛИЗ ОБРАЗА МАНКУРТА В ПОВЕСТИ ТОГАЙ МУРАДА “МОМО ЕР” (“ПЕСНЯ”)

Х.Мирхайдаров

В статье анализируется образ манкурта, отдалившегося от своих исконных ценностей и последовавшего за “Массовой культурой” и безыдейной литературой и искусством Европы.

Ключевые слова: “Массовая культура”, модернизм, нилометр, ценности, идея Советов, Пахлавон Даҳо, аксакал, тубетейка, манкурт.

Summary

ANALYSIS OF THE IMAGE OF THE MANKURT IN THE STORY OF THE TOGAI MURADA “MOMO ER” (“SONG”)

Х.Мирхайдаров

The article is devoted to the analysis of character of mankurt who escaped from his native values and followed the popular culture and unideological literature and art of Europe.

Key words: popular culture, modernism, nilemetr, values, idea of councils, Pahlavan Daho, aksakal, skull-cap, mankurt.